

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2017 йил 11 ноябрдаги  
31/9 -сонли қарорига 2-илова

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

### “АХБОРОТЛАШТИРИШ БОШ МАРКАЗИ”

#### ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

#### УСТАВИ

##### 1. Умумий қоидалар

1.1. Ахборотлаштириш Бош маркази Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ҳисоблаш маркази асосида ташкил этилган давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда «Корхона» деб юритилади) бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарорига асосан Марказий банкнинг 1995 йил 6 апрелдаги 23-сонли буйруғи билан давлат унитар корхонаси шаклида тузилган.

Корхона Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Марказий банкнинг юридик шахс мақомига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 6 уй манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки корхона муассисидир (кейинги ўринда «МУАССИС» деб юритилади).

1.3. Корхона ўз фаолиятида амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, норматив ҳуқуқий ҳужжатларига, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат корхоналари тўғрисида»ги Низомга ҳамда Муассиснинг Қарорларига, мазкур Уставга, Муассис билан Корхона ўртасида имзоланган шартномаларга амал қилади.

##### 1.4. Корхона номи:

1.4.1. Ўзбек тилида тўлиқ номи: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ “АХБОРОТЛАШТИРИШ БОШ МАРКАЗИ” давлат унитар корхонаси; (O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI “AXBOROTLASHTIRISH BOSH MARKAZI” davlat unitar korxonasi), қисқартирилган: ЎР МБ АБМ ДУК (O‘R MB ABM DUK);

1.4.2. Рус тилида тўлиқ номи: Государственное унитарное предприятие “ГЛАВНЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАТИЗАЦИИ” ЦЕНТРАЛЬНОГО БАНКА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, қисқартирилган: ГУП ГЦИ ЦБ РУз.

1.4.3. Инглиз тилида тўлиқ номи: “MAIN CENTER OF INFORMATISATION” OF THE CENTRAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN state owned unitary entity, қисқартирилган: MCI So UE CB RUz.

1.5. Корхона жойлашган жойи ва почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, 100001, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ислон Каримов кўчаси, 6-уй.

1.6. Корхонанинг фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган.

## 2. Корхонанинг юридик мақоми

2.1. Корхона давлат мулкидаги, ўзига Муассис томонидан тезкор бошқариш учун берилган мулк негизда ташкил этилган давлат унитар корхона шаклидаги тижорат ташкилотидир, у ўзига бириктирилган мулкдан қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, Муассиснинг топшириқларига мувофиқ ҳамда эгаллик қилиш ҳуқуқидаги мулкдан мақсадга мувофиқ фойдаланиши ва уни тасарруф этишни амалга оширади.

Корхона мустақил балансга, банк ҳисоб варақларига, шу жумладан чет эл валютасидаги ҳисобварақларига, рамзи, штамплари ва бланкларига, Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган, ўзининг фирма номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

2.2. Корхона таркибига унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган ҳудудий бўлимлар ҳам киради. Ҳудудий бўлимлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш Бош маркази давлат унитар корхонасининг филиаллари ҳисобланади. Бу бўлимлар юридик шахс ҳуқуқига ва ўзининг мустақил балансига эга эмаслар. Улар Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларининг Ҳисоб-китоб касса марказларида очилган иккиламчи депозит ҳисоб варақларига ва юмалоқ муҳрига эгалар.

Корхона ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш асосида фаолият кўрсатади. Корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиш ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда хўжалик фаолиятининг бошқа турларини амалга оширишга ҳақли.

2.3. Корхона Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат идорасида рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб, юридик шахс мақомига эга бўлади.

2.4. Корхона ўзининг мажбуриятлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ундириш мумкин бўлган барча мол-мулки билан жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси, унинг ташкилот ва муассасалари Корхона мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайдилар ҳамда Корхона Ўзбекистон Республикаси, унинг ташкилот ва муассасаларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмасдир.

Корхона ўз мол-мулки билан Муассис мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайди.

Муассис корхона мулки етарли бўлмаганда корхона мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавобгардир.

Корхона ҳудудий бўлимлари мажбуриятлари бўйича жавоб беради.

2.5. Корхона Муассис розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат ташкилотлари, шунингдек уларда юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотлар қатнашчиси (аъзоси) бўлиши мумкин.

Корхона давлатнинг бошқа корхоналари муассиси бўлишга ҳақли эмас.

### 3. Корхона фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари

3.1. Корхона Ўзбекистон Республикаси банк тизимида ахборот-телекоммуникация тизимларини тадбиқ этиш билан шуғулланади. Давлат статистик органларида ИФУТ 63110 коди билан қайд этилган.

#### 3.2. Корхона фаолиятининг асосий мақсадлари:

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банклараро электрон тўлов тизимини узлуксиз ишлашни таъминлаш;

б) Банк тизимининг маълумотлар узатиш тармоғини лойиҳалаш ва ушбу тармоқни узлуксиз ишлашни таъминлаш;

в) Республика молия секторига телекоммуникация хизматлари кўрсатиш.

### 4. Корхонанинг вазифалари ва фаолият турлари

4.1. Корхонанинг асосий вазифалари қуйидаги дастурий комплексларни ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва уларнинг узлуксиз ишлашни таъминлашдан иборат:

4.1.1. Банклараро электрон тўлов тизими;

4.1.2. Чакана тўловлар Клиринг маркази;

4.1.3. Банк телекоммуникация тармоғи;

4.1.4. Марказий банкнинг “Ягона баланс” тизими;

4.1.5. Банк тизими маълумотлари омборхонаси;

- 4.1.6. Банк депозиторларининг Миллий ахборот базаси;
- 4.1.7. Электрон почта ва электрон ҳужжат айланиш тизими;
- 4.1.8. Кредит ахбороти Миллий институти ахборот тизими.
- 4.2. Ҳисоблаш, алоқа ва ташкилий техника воситаларига техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва тиклашга доир хизмат кўрсатади.
- 4.3. Корхона ўзининг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятида қуйидаги тамойилларига риоя қилади:
  - 4.3.1. Марказий банк тизимида ягона ахборотлаштириш ва техника базасини яратиш.
  - 4.3.2. Техник ва дастурий таъминотда илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш.
  - 4.3.3. Мураккаб технологик жараёнларни ташкил этишда харажатларни камайтириш.
- 4.4. Корхонанинг лицензияланиши лозим бўлган барча фаолият турлари тегишли лицензия олинганидан сўнг амалга оширилади.
- 4.5. Корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан бўладиган барча муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ шартномалар асосида олиб борилади.
- 4.6. Корхона ўзи ишлаб чиққан ишланмалар, технологиялар, дастурий воситаларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга, улар тижорат сирини ташкил этади ва зарур бўлганда патентланади.
- 4.7. Корхона Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади.
- 4.8. Замонавий техникаларга асосланган ахборот технологиялари бўйича ўқув курсларини ташкил этади.
- 4.9. Корхона Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўз ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлайди.
5. Корхонанинг мол-мулки
  - 5.1. Корхонанинг мол-мулкани асосий ва айланма маблағлар ташкил этади.
  - 5.2. Корхона мулки:

Муассис томонидан корхонага оператив (тезкор) бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мулк;

Корхонанинг ўз фаолиятидан олинган даромадлари;

Қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

Корхона мулкнинг қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттирилади.

5.3. Корхонада давлат мулкни оператив (тезкор) бошқариш ҳуқуқи топшириш-қабул қилиб олиш далолатномаси Корхона раҳбари ва Муассис томонидан имзоланган вақтдан бошлаб пайдо бўлади.

5.4. Корхонанинг мулки бўлинмас мулк ҳисобланади ва қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

5.5. Корхона мулкни тасаруф этиш қуйидаги ҳолларда корхонанинг ижро этувчи органи томонидан Муассис билан келишган ҳолда қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади:

а) асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

б) мулкни хўжалик жамияти Устав фондига улуш сифатида қўшиш;

в) хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;

г) хўжалик жамиятларидаги Корхонага тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш;

д) мулкни Корхона фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасаруф этиш.

## 6. Корхона Устав фонди

6.1. Корхонанинг Устав фонди 3 605 127 386,38 (Уч миллиард олти юз беш миллион бир юз йигирма етти минг уч юз саксон олти сўм ўттиз саккиз тийин) сўмни ташкил этади.

6.2. Муассиснинг ҳиссаси сифатида пул маблағлари, мол-мулк, товарлар, технологиялар ва интеллектуал мулк қўйилиши мумкин.

6.3. Корхона Устав фондиди кўпайтириш ва камайитириш Муассис Бошқарувининг қарори билангина ўзгартирилади.

## 7. Захира фонди

7.1. Корхонанинг захира фонди корхона соф фойдасининг 5 фоизи миқдоридagi ажратмалар, узоқ муддатли активларни қайта баҳолашда юзага келадиган резервлар ва текинга олинган мол-мулк ҳисобидан ташкил этилади.

## 8. Корхона Муассисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8.1. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

корхона фаолиятининг мақсади, предмети, турларини белгилаш;

ўзи таъсис этган корхонаси Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатиш;

корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

корхона мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

корхонанинг ортиқча, фойдаланмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасига давлат корхонасини хусусийлаштириш ёки давлат тасарруфидан чиқариш бўйича таклифлар киритиш;

корхонага етказилган зарарларни ундириш тўғрисида давлат корхонаси раҳбарига нисбатан даъво тақдим этиш;

корхона Уставига мувофиқ корхонага ўзи берган мулкдан фойдаланишдан тушган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш.

## 8.2. Корхона Муассиси мажбуриятлари:

корхона раҳбарини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ у билан меҳнат шартномаси тузиш;

корхона давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида корхонанинг Устав фондиди унга давлат мулкни тезкорлик билан бошқариш учун бериш йўли билан шакллантириш;

ҳар йили корхонанинг бизнес-режасини тасдиқлаш, ҳар чорақда ижро этувчи органнинг унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботини эшитиш;

корхонага берилган давлат мулкidan мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

## 9. Корхона фаолиятини бошқариш

9.1. Корхонанинг олий органи Муассис ҳисобланади. Муассис корхона директори ва бош бухгалтерини лавозимига тайинлайди.

9.2. Корхона директори ва бош ҳисобчиси билан тузиладиган меҳнат шартномасига Муассис номидан Бошқарув раиси ёки Бошқарув раиси томонидан ваколат берилган шахс имзо чекади.

9.3. Корхонага директор раҳбарлик қилади. Директор Муассис томонидан лавозимига тайинланади ва озод этилади. Директор Муассисга ҳисобот беради ва Муассиснинг буйруқ ва фармойишларини бажарилишини таъминлайди.

9.4. Директор Корхонани бошқаришда ушбу Уставга ва Муассис томонидан берилган ваколатларга мувофиқ фаолият олиб боради.

9.5. Корхона директори корхонанинг якка ижро этувчи органи ҳисобланади ва корхона олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, корхона номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади.

Директор:

а) корхона номидан юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда иштирок этади;

б) корхона номидан шартномалар тузади;

в) корхонанинг буйруқ, фармойиш ва бошқа актларини чиқаради;

г) ҳодимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади;

д) Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

е) корхонанинг ички қоидаларини тасдиқлайди.

9.6. Корхона ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг иш ҳақи миқдорлари директор томонидан Муассис билан келишган ҳолда тасдиқланади.

9.7. Корхона директори Муассис олдида Корхона Уставида белгиланган тартибда корхона фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

9.8. Корхона директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда давлат корхонаси манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши керак ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни, иш ҳақини ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан корхонага берилган давлат мулки йўқолган тақдирда давлат корхонасига етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

9.9. Корхона директори корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этади ва уни юритилишини таъминлайди.

Корхона директори Корхонада бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” Қонуни, бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартлари ва меъёрий ҳужжатларига мос равишда юритиш борасида корхона Бош бухгалтери билан бирга жавобгар бўлади.

## 10. Корхона фойдасини тақсимлаш

10.1. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қоладиган соф фойда Муассис қарорига кўра тақсимланади.

10.2. Корхона ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига Корхона Уставида назарда тутилган тартибда ва муассис томонидан тасдиқланган миқдорларда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

## 11. Корхона фаолиятини назорат қилиш

11.1. Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг назорати қуйидагича амалга оширилади:

а) Муассис томонидан камида бир йилда бир марта Муассис ички аудит хизмати томонидан корхона молиявий-хўжалик фаолияти аудитдан ўтказилади;

б) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида молия ва солиқ органлари томонидан;

в) Зарурат бўлганда Муассис қарорига кўра аудиторлик хизматлари томонидан улар билан тузилган шартномалар асосида.

## 12. Йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби

12.1. Корхона қонунларда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисоботлари давлатнинг тегишли идоралари ва Муассисга тақдим этиши шарт.

12.2. Корхонада бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, унинг аҳволи ва ишончилиги, йиллик ва бошқа молиявий ҳисоботлар ҳамда маълумотларнинг тегишли идораларга ўз вақтида тақдим этилиши учун масъулият амалдаги қонунларга мувофиқ директор зиммасига юкланади.

## 13. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш

13.1. Корхона Муассис қарори билан қайта ташкил этилиши мумкин.

13.2. Корхона фаолияти тугатиш:

а) Муассис қарори билан;

б) Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

Корхона тугатилишида Муассис тугатиш комиссияси тузади, комиссия амалдаги қонунчилик асосида комплекс чора-тадбирларни амалга оширади.

13.3. Тугатиш комиссияси Корхонанинг бор мол-мўлкини баҳолаб, унинг дебитор ва кредитор қарзларини аниқлаб, улар билан ҳисоб-китоб ишларини тугатгач, тугатиш балансини тузади ва Муассисга тақдим этади.



13.4. Корхона давлат реестридан чиқарилган вақтдан бошлаб, тугатилган деб ҳисобланади. Корхонанинг тугатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

14. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

14.1. Ушбу Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар Муассис Бошқарувининг қарори билан киритилиши мумкин.

14.2. Агар ушбу Устав қоидаларидан бири ўз кучини йўқотса, у ҳолда бу ҳолат қолган қоидаларга таъсир қилмайди. Ўз кучини йўқотган қоида ҳуқуқий жиҳатдан мумкин бўлган ва мазмуни жиҳатдан алмаштирилаётган қоидага яқин бўлган қоида билан алмаштирилади.

15. Яқунловчи қоидалар

15.1. Ушбу Устав қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва Корхона тугатилгунига қадар ёки Муассис Бошқаруви мазкур Уставнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилгунга қадар амалда бўлади.

15.2. Муассис ушбу Устав бўйича бирор бир мажбуриятни бажармаган ёки ўз вақтида бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этилади, агарда бундай бажармаслик ёки ўз вақтида бажармаслик форс-мажор ҳолатлари натижасида келиб чиққан бўлса.

15.3. Ушбу Уставда ўз аксини топмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.